

**Мақсуд Шайхзода –замондошлари хотирасида
ШАЙХ амаки**

Эшпўлатов Бехзод Нодир ўғли

Аннотация: Мақолада Олмос Аҳмедованинг хотиralари асосидаги воқеалар ифодаланган.

Шайхзоданинг Ғафур Ғулом билан ҳамкорлиги, дўстона муносабатлари, оилавий яқинлиги, адабий алоқалари, анъавийлик ҳамда новатрлик масалалари шунингдек, муаллифнинг шахсий ҳаётида тутган ўрни хотиранавислик асосида баён қилинган.

Калит сўзлар: меҳрибон, бағри кенг, самимий, яқин одам, Сакина хола,

Annotation: The article describes the events based on the memoirs of Olmos Ahmedova. The issues of the

prince's cooperation with Ghafur Ghulam, friendly relations, family closeness, literary ties, tradition and innovation, as well as the role of the author in his personal life are described on the basis of memoirs.

Key words: kind, generous, sincere, close person, Aunt Sakina, Мақсуд Шайхзода ҳақида ўйлар эканман, менга жуда яқин, овози ёқимли, бағри кенг, меҳрибон, жуда

иссиқ чирой, самимий одам кўз олдимда гавдаланади.

Мақсуд амакини мен туғилганимдан оиласизнинг аъзоси, отамнинг укаларидек яқин одам деб билганман.

Айтишларича, туғилганимда дадам билан Шайх амаки менга исм танлаб талашишган. Радий қўямиз ёки

Шайх амаки Сакина қўямиз десалар (мен аямнинг қорниларида йиғлаган эканман, бувим, аям айтиб беришган), дадам, онасининг қорнида йиғлаган қизнинг оти қандай қилиб Сакина бўлсин, деб кулишиптилар- да. Сўнг яна ўйлаб, қиз болани Радио деб юборишмасин, дейишибди. Дадамлар Сакина

деган от, Шайх амакининг рафиқаларининг оти, лекин ўзбеклар хунукроқ қилиб талаффуз қилишади, дебдилар. Сўнг менинг исмимни танлашишиптию, аямларга, туғруқхонага биргаликда хат ёзиб киргишибди. Шундан бери Шайх амаки мени “сен менинг қизим эрурсан” дердилар. Сакина холам эса то ўлганларича сен менинг Сакинамсан, дердилар. Шу-шу уйимиизда қачон меҳмон бўлса ёки туғилганқунларимизда, ёки аям тотлироқ овқат қиласиган бўлсалар, Шайх амаки, Сакина холамни чақирибкелишар, аям, дадамлар билан узоқ қолиб гапиришиб ўтиришарди. Агар ёз вақтлари бўлса ётиб қолишарди. Буларнинг ҳазил-мутойибалари, тарих ҳақидаги сұхбатлари ҳеч адo бўлмасди, ҳеч бир-бирларидан зерикишмасди. Афсус, минг афсуски, улар ҳаётлигига магнитофонларга ёзиб олиш ҳозиргидек осон гап эмас эди. Биз қанчадан-қанча сұхбатлар, мушоҳадалар, экспромт шеърлар, ҳазилларни эшитмай қолганмиз. Уларнинг дўстлиги ҳақида ўйласам, у дўстликдан ҳам кучли, уни қондошлиқ дейиш керак. Дадам бирор кун бадбинроқ хаёлларга борсалар ёки ёзув-чизувлар важидан баъзан сиқувлар бўлганида, албатта, “Шайхга айтинг, тезликда уйга келсин”, дердилар. Шайх амаки тезликда келар, биргаликда ишхонада иккалалари узоқ гапиришиб ўтиришарди. Сакина холам билан аям ошхонада дўғами, долмами (озарбайжонча овқатлар) пиширишарди. Овқат тайёр бўлганда дадам ҳам, Шайх амаки ҳам кайфиятлари чоғ чиқишар, биз биргаликда овқатланардик. Мен ҳар доим Шайх амаки ва Сакина холамнинг ўрталарида ўтирадим-у, улар мен каттагина бўлиб қолганимга қарамай, “менинг қўлимдан е, менинг қўлимдан е” деб, кичик болага овқат едиргандек, эркалатиб едиришар эди. Инсон ёшлигига бўлиб турган воқеалар бутун умр шундай давом қиласиди, ота-она, ёр-биродар бир умр шундай тураверади, деб ўйлар экан. Афсус...

Шайхзода ижоди Ғафур Ғулом ижоди билан олдинма-кейин бошланди.

Шайхзоданинг қатор шеърлари

мазмунан ўз даврига хизмат қилди. Ўқувчида энг эзгу ниятлар уйғотган бўлиб, Ғафур Ғулом шеърлари билан уйғун эди. Чунки улар замондош бўлишларидан ташқари, кўп воқеа-ходисалар шоҳиди, бир хил мушоҳада

қилишган эди. Шунинг учун ҳам уларнинг шеърларида байналмилал руҳи устун, халқлар дўстлиги баланд пардада янграйди. Шайхзода фақат Ғафур Үулом билангина эмас, Ойбек домла, Собир Абдулла, Сайфий домла, Юнус ака, Юсуфжон қизиқ ва бошқа шоир, созанда, бастакорлар билан ҳам дўст эдилар. Дадамларнинг ўртоқлари Аҳмаджон заргар, Махмуджон аптекачи, Мирза Абдулла ақалар билан ҳам борди-келдилари бор эди. Агар Шайх амаки келсалар, Юнус ака албатта Озарбайжон бахшиларидан олиб келар эдилар, уларнинг айтган юракни ўртагувчи қўшиқлари, мусиқалари ҳали ҳам қулогимда.

50-йиллар Шайх амаки бошига тушган тухмат ҳақида мен, албатта, ўша вақтда ҳеч нарса билмас эдим.

Дадам бир куни уйимизнинг иккинчи қаватидаги кичкина меҳмонхонага Пошабек (Шайх амакиникида кўп бўладиган қадрдонлари) ва Озарбайжон хонандасини олиб келдилар (уларнинг дуторга ўхшаган, лекин ундан анча катта, сопи калта, қайрилган чолғу асбоби ҳам бор эди). Ўша дуторда хонанда куйлар чалди, маъюс қўшиқлар айтди. Пошабек билан эса суҳбат қилиб, шу куни дадам йиғлаган бўлсалар керак, аямларга “Мақсад Шайх” деб бир нарсалар гапирадилар, аям ҳам йиғладилар, шу вақтларда Сакина холам бизницида тез-тез келар, Росим, Олималар (Сакина холамнинг жиянлари, Шайх амаким ўғил, қиз қилиб олганлар ўз фамилияларини берганлар) ҳам келиб туришарди. Аям, дадам уларнинг кўнгилларига малҳам бўлишарди. Бир куни мен дадамларга кўпгина қалам олиб келиб, “очиб беринг” дедим, дадамдек қаламни чиройли ва тез, мустаҳкам очадиган одамни ҳали учратган эмасман. Дадам ҳамма қаламларни учладилар, сўнг қораларини тўплаб, ҳаммасини бир қилиб айлана -айлана қилиб, қофозга чиздилар, кейин кўзойнак, кўз, бурун, оғиз, ияқ чиздиларда менга бердилар.

- Бу ким,- дедилар.

Мен бўлсам:

- Шайх амаким, - дедим.

Ta'limning zamonaviy transformatsiyasi

Дадам кўзойнакларини олиб, кўзларини ишқаладилар.

- Шу амакингни жуда соғиндим,- дедилар.

Мен:

- Нега келмаяптилар, бориб келайлик мен ҳам соғиндим, - дедим.

Дадам:

- Ширин қизим, сен унинг ҳам қизисан-да, яқинда ўзи келади, - дедилар.

Мен бу гапга эътибор бермай, югуриб учланган қаламларимни олиб, расм солишга чоғландим.

Кўп ўтмай Шайх амаки келдилар, қучоқлашиб кўришдик.

- Қаерда эдингиз, нега кўп вақт бизникига келмадингиз, - десам:

-Олмос (озарбайжонча чўзиб, чиройли талаффузда) қизим, кейин, катта бўлганингда билиб оласан,-

дедилар.

Хайруллаев билан кўп учрашган. Тогамлар Қўқонда, Самарқандда газетада мухаррир бўлиб ишлаганларида

дўстлашишган. Шайх амаки тоғамнинг уйларида ҳам азиз меҳмон эканлар.

Жўрахон тоғамга Пединститутда

дарс берган эканлар. Жўрахон тоғамнинг жуда истеъодли эканларини бизга ҳам айтар эдилар. Шунинг учун

бўлса керак, Шайх амаки аямга ўз акаларидек меҳрибончилик қиласар эдилар.

Лекин қамоқдан қайтгач, Шайх амаки кўп касалланардилар. Уйларига

борганимда ё касал, ёки энди

тузалган бўлардилар.

“9 январь” кўчасидаги уйларига дадамнинг хатларини олиб борар, бирор ширин овқат олиб ёки айтиб

юборган сўзларини айтгани борсам, жуда хурсанд бўлиб кетишарди. Сакина хола мени меҳмон қилиб, узоқ

олиб ўтиргилари келарди. Мендан уй ичимизнинг каттадан-кичигигача сўрардилар. Мен ҳам уларни

зерикирмай гапириб берардим.

Ta'limning zamonaviy transformatsiyasi

Менинг тўйим вақтида Шайх амаки касал бўлиб, келолмай қолишиди. Менинг бошимга тушган фалокатдан

ғоят хафа бўлишипти. Дадамнинг дардларига кўп малҳам бўладиган гаплар гапирав, далда берар эканлар.

Касалдан тузалиб, Тошкентга қайтганимни эшитибоқ бизниги келишиди, шунда чиройли зийнат сақлайдиган қутича олиб келишиди. У ўша тўйим учун олинган. Шеър битилган қутича ҳалигача менда Шайх амакидан ва Сакина холамдан хотира бўлиб сақланиб келмоқда.

Иккала ўғлим туғилганда ҳам бизниги келиб табриклишган, неваралик бўлдик, чиройинг

фарзандларингга кўчиپти, деб қувонишган эди.

1966 йили дадам вафот қилганларида Шайх амаки ҳеч чидай олмадилар, ахир Шайх амаки 21 ёшларидан

бошлаб дадам билан дўст, ака-ука бўлишган-да. Сакина холамни Бокудан биринчи бор бизниги келин қилиб олиб келган эканлар.

Бундай дўстни йўқотиш жуда оғир мусибат, шунинг учун Шайх амакининг охирги ёзган шеърлари дадам

вафотларининг 100 йиллигига бағишлиланган эди.

Бу дўстни йўқотиш мусибати у кишини қўймади, кўп ўтмай Шайх амакидан ҳам ажраб қолдик.

Йиллар ўтди. Сакина хола билан алоқамиз ҳеч узилмади. Улар келдилар, биз бордик. Сакина хола ҳам

оғир касалга чалиниб, кўп касалхоналарда ётадиган бўлиб қолдилар.

Кўпинча уйларига борсам, Шайх амакиларини айтиб йиғлардилар. Бир куни, бу 82-йиллар эди, мени телефонда чақирдилар, бордим. Касал эканлар, менга расмларини олиб кўрсатдилар, қўлёзмалар ичидан “Жалолиддин” пьесаси Шайх амаки ўлган кезлари йўқолганини айтдилар. Шу куни менга Шайх амакининг қамалганларидаги кўпгина ҳужжатларни ва у кишининг устидан қоралаб гапирган одамларнинг рўйхатини ҳам кўрсатдилар. Мен шуларни кўчириб олай десам:

Ta'limning zamonaviy transformatsiyasi

- Кўй, қизим, сен бу ишга аралашма, бир куни ким экани барибир маълум бўлади. Бу хужжат, протоколлар том-том, архивда сақланади. Бир кун келадики, Шайхнинг тезроқ ўлимига сабаб бўлганлар ўз жазосини тортади. Лекин афсус, мен буни кўролмайман. Мен энди узоқ яшай олмайман, куним битганга ўхшайди,- дедилар.

Ўзбек халқи Шайхзода ижодини авайлаб сақлайди. Унинг ёзган асарлари ҳали ҳам ҳозиржавоблигини йўқотган эмас.

Мен Шайх амакимни, Сакина холамларни тирик эканман, ҳеч қачон унутмайман.

Адабиётлар:

Шайхзода М. Чорак аср девони: Танланган асарлар. М. Шайхзода. - Тошкент: Ўзбекистон давлат бадиий адабиёт нашриёти, 1958 й.